

ЎЗБЕКИСТОНДА МИГРАЦИЯ БЎЙИЧА ГЛОБАЛ ШАРТНОМАНИ ТАТБИҚ ЭТИШ: БМТ ҲАМКОРЛИК ДАСТУРИ ВА МИЛЛИЙ СТРАТЕГИЯЛАР УЙҒУНЛИГИ

Есемуратов Алишер Избасарович

юримик фанлар бўйича фалсаф доктори, доцент

<https://orcid.org/0009-0007-6239-6847>

<https://doi.org/10.5281/zenodo.21807744>

Аннотация: Ушбу мақолада Ўзбекистонда Миграция бўйича глобал шартномани татбиқ этиш жараёнлари БМТнинг 2021–2025 йилларга мўлжалланган Барқарор ривожланиш мақсадлари бўйича ҳамкорлик дастури ҳамда ихтиёрий миллий ҳисобот доирасида таҳлил қилинган. Миграция сиёсати соҳасидаги ҳуқуқий, институционал ва гендерга оид муаммолар аниқланиб, Миллий ҳаракатлар режасини қабул қилишнинг зарурати илмий асослаб берилган.

Калит сўзлар: миграция, Миграция бўйича глобал шартнома, БМТ, UNSDCF, меҳнат миграцияси, гендер, Миллий ҳаракатлар режаси.

Abstract: This article analyzes the implementation of the Global Compact for Migration in Uzbekistan within the framework of the UN Sustainable Development Cooperation Framework (2021–2025) and the Voluntary National Review. The study examines legal, institutional and gender-related aspects of migration policy, identifies existing gaps, and substantiates the necessity of adopting a National Action Plan for 2024–2030 to ensure safe, orderly and regular migration and the protection of migrants' rights.

Keywords: migration, Global Compact for Migration, United Nations, UNSDCF, labor migration, gender, National Action Plan.

Аннотация: В статье рассматриваются процессы реализации Глобального договора о миграции в Республике Узбекистан в рамках Рамочной программы сотрудничества ООН в области устойчивого развития на 2021–2025 годы и добровольного национального обзора. Анализируются правовые, институциональные и гендерные аспекты миграционной политики, выявляются существующие проблемы и обосновывается необходимость принятия Национального плана действий на 2024–2030 годы.

Ключевые слова: миграция, Глобальный договор о миграции, ООН, UNSDCF, трудовая миграция, гендер, Национальный план действий.

Бугунги глобаллашув ва минтақавий ўзгаришлар шароитида халқаро миграция жараёнлари давлатларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши, инсон ҳуқуқларини таъминлаш ва барқарор тараққиётга эришишда муҳим омил сифатида намоён бўлмоқда. Ўзбекистон учун ташқи меҳнат миграцияси аҳоли бандлиги, даромад манбалари ҳамда ижтимоий барқарорлик билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, уни самарали тартибга солиш миллий сиёсатнинг устувор йўналишларидан бирига айланган. Ушбу мақолада БМТнинг Ўзбекистон учун 2021–2026 йилларга мўлжалланган Барқарор ривожланиш мақсадлари бўйича ҳамкорлик дастури (UNSDCF) ҳамда Миграция бўйича глобал шартномани татбиқ этиш бўйича ихтиёрий миллий ҳисобот (VNR) доирасида

амалга оширилаётган ислохотлар таҳлил қилиниб, миграция сиёсатини такомиллаштиришнинг ҳуқуқий ва институционал асослари ёритилади.

Тадқиқотда комплекс илмий методлар қўлланилди. Хусусан, **формал-юридик метод** орқали халқаро шартномалар, миллий қонун ҳужжатлари ва стратегик дастурлар таҳлил қилинди; **таққослама-ҳуқуқий метод** ёрдамида Миграция бўйича глобал шартнома мақсадлари билан Ўзбекистоннинг миллий ривожланиш стратегиялари ўртасидаги уйғунлик ўрганилди; **тизимли таҳлил** асосида миграция соҳасидаги институционал механизмлар ва уларнинг самарадорлиги баҳоланди; **социологик маълумотлар таҳлили** эса миллий ҳаракатлар режасини қабул қилиш заруратини асослашга хизмат қилди. Шунингдек, БМТ, Жаҳон банки ва халқаро ташкилотлар ҳисоботлари манба сифатида фойдаланилди.

Миграция соҳасида БМТнинг ривожланиш тизимининг якуний мақсадига эришиш учун қуйидагилар амалга оширилиши кўзда тутилган:

- Ўзбекистонга “Барча меҳнат мигрантлари ва уларнинг оила аъзолари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги конвенцияни ратификация қилиш жараёнида БМТнинг шартномавий органлари ҳамда Халқаро меҳнат ташкилотининг назорат органлари билан яқин ҳамкорлик қилишда кўмаклашиш (24-бет)¹;

- БРМнинг Бирлашган жамғармаси ва Миграция жамғармасидан фойдаланиш орқали гендер жиҳатларини инобатга олган ҳолда қўшма бюджетларни тузишга асосланган молиялаштиришнинг самарали миллий механизмини яратиш ҳамда жорий этишда Ўзбекистон ҳукуматини қўллаб-қувватлаш (28-бет)²;

- қишлоқ жойлардаги заиф қатлам ва меҳнат миграциясидан қайтиб келган шахслар учун давлат хизматларини кўрсатишнинг сифатини ошириш мақсадида ҳудудларни мутаносиб равишда ривожлантириш учун қулай шарт-шароитларни яратишга ёрдам бериш (32-бет)³;

- меҳнат миграцияси соҳасида, хусусан, юбуровчи ва қабул қилувчи мамлакатларнинг пенсия таъминоти ва ижтимоий ҳимоя тизимларини ўзаро уйғунлаштиришда ҳукумат ва фуқаролик жамияти саъй-ҳаракатларини бирлаштириш (37-бет)⁴;

- халқаро миграция ва қочоқларни ҳимоя қилиш соҳасидаги масалалар бўйича барқарор мулоқот ва маълумотлар алмашинувига кўмаклашувчи “Олмаота жараёни” каби минтақавий ташаббусларда Ўзбекистон ҳукуматини қўллаб-қувватлаш (44-бет)⁵;

- гендер стратегияси доирасида белгиланган вазифаларни бажариш орқали меҳнат мигрантлари бўлган хотин-қизлар ва эркакларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя

¹ Рамочная программа сотрудничества ООН в Целях устойчивого развития на период 2021-2025 гг. для Узбекистана. Подписан: 24 сентября, 2020. – 80 с. (<https://uzbekistan.un.org/ru/94416-рамочная-программа-сотрудничества-оон-в-целях-устойчивого-развития-на-2021-2025-годы-для>)

² Рамочная программа сотрудничества ООН в Целях устойчивого развития на период 2021-2025 гг. для Узбекистана. Подписан: 24 сентября, 2020. – 80 с. (<https://uzbekistan.un.org/ru/94416-рамочная-программа-сотрудничества-оон-в-целях-устойчивого-развития-на-2021-2025-годы-для>)

³ Ўша манба

⁴ Ўша манба

⁵ Ўша манба

қилиш тизимини ривожлантириш, уларнинг ҳуқуқий саводхонлигини юксалтириш (62-бет) ⁶.

Ўзбекистонда Миграция бўйича глобал шартномани татбиқ этиш тўғрисида ихтиёрий миллий ҳисобот – VNR бўйича:

Ўзбекистонда Миграция бўйича глобал шартномани ⁷ татбиқ этиш тўғрисида ихтиёрий миллий ҳисоботида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 15 сентябрдаги ПК-4829-сон қарори билан Хавфсиз, тартибли ва қонуний меҳнат миграцияси тизими яратилганлиги ҳамда бу борада амалга оширилган ишлар таҳлил қилинган. Ушбу Тизимнинг моҳияти шундаки, ташқи меҳнат миграцияси соҳасидаги ваколатли органларнинг фаолиятини такомиллаштириш, хорижда ишламоқчи бўлган шахсларни талаб юқори бўлган касбларга ўқитиш, фуқароларнинг чет элда бўлиш даврида ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, қайтиб келган меҳнат мигрантларининг бандлигини таъминлаш, шунингдек, уларнинг оила аъзоларини ижтимоий қўллаб-қувватлашга қаратилган. Шунингдек 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегиясидаги 100 та мақсад Миграция бўйича глобал шартноманинг 23 тадан 16 та мақсадини қамраб олганлиги қайд этилган. Бироқ қамраб олинмаган 2, 13, 16, 17, 20, 22 ва 23-мақсадларига эришиш учун муайян режалар тузиш муҳим аҳамият касб этади ⁸.

Ўзбекистон биринчи бўлиб, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси томонидан 2018 йил 19 декабрда қабул қилинган 73/195-сонли резолюция асосида маъқулланган Хавфсиз, тартибли ва қонуний миграция тўғрисидаги глобал шартномани (Миграция бўйича глобал шартнома) қўллаб-қувватлади. Мазкур шартнома халқаро миграциянинг барча жиҳатларини қамраб олган илк ҳукуматлараро келишув бўлиб, мигрантларнинг ҳуқуқий мақомидан қатъи назар, уларнинг инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, таъминлаш ва ҳурмат қилишга йўналтирилган 10 та асосий принципга таянади ⁹.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Барқарор ривожланиш мақсадлари 2015 йилдан 2030 йилгача бўлган халқаро ҳамкорлик бўйича мақсадлар тўплами ҳисобланади. Чекланган ресурслардан мақбул фойдаланиш ва экологик тоза технологиялардан фойдаланиш, ижтимоий ва маданий тизимлар барқарорлигини сақлаш, биологик ва жисмоний табиий тизимларнинг яхлитлигини таъминлашга қаратилган чора-тадбирларни кўришни назарда тутувчи “Дунёмизни ўзгартириш: 2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги кун тартиби” деб номланган ушбу ҳужжат 17 та глобал мақсадни ва 169 та тегишли вазифаларни ўз ичига олади ¹⁰. Барқарор ривожланиш мақсадларининг 11 та мақсад таркибида келтирилган 22 та

⁶ Ўша манба

⁷ БМТнинг 2018 йил 11 декабрдаги Хавфсиз, тартибли ва қонуний миграция бўйича глобал шартнома <https://documents.un.org/doc/undoc/gen/n18/452/02/pdf/n1845202.pdf> (мурожаат вақти 17.09.2024)

⁸ Добровольный национальный отчет о внедрении ГДМ (Глобальный договор о безопасной, упорядоченной и легальной миграции) в Узбекистане (<https://migrationnetwork.un.org/system/files/docs/Uzbekistan%20-%20Добровольный национальный отчет о внедрении ГДМ в Узбекистане.pdf>)

⁹ Ўша манба

¹⁰ Ўша манба

вазифа мигрантлар масаласига қаратилган¹¹. Бу принциплар Миграция бўйича глобал шартноманинг 23 та мақсадига сингдирилган бўлиб, уни имзолаган давлатлар томонидан миллий ҳаракатлар режалари орқали доимий равишда татбиқ этилади.

Миграция бўйича глобал шартноманинг 53-бандида барча аъзо-давлатларга ушбу шартномани амалга ошириш мақсадида миллий дастурларни тезроқ тайёрлаш ҳамда миллий даражадаги ютуқларни мунтазам равишда ҳар томонлама баҳолаш тавсия этилган. Шу жумладан, амалга оширишнинг миллий дастурини ихтиёрий равишда тайёрлаш ва ундан фойдаланиш орқали таҳлил ўтказиш кераклиги таъкидланган. Бундай таҳлилий ҳисоботлар барча манфаатдор томонлар, шу жумладан, парламент аъзолари ва маҳаллий ҳокимият вакилларининг фикрларини ҳисобга олган ҳолда тайёрланиши ҳамда Халқаро миграция муаммоларини кўриб чиқиш форумида иштирок этувчи аъзо-давлатларни самарали хабардор қилиш мақсадида фойдаланилиши зарур. Шунингдек БМТнинг Ўзбекистон учун 2021-2025 йилларда Барқарор ривожланиш мақсадлари бўйича ҳамкорлик дастурида гендер стратегияси доирасида белгиланган вазифаларни бажариш орқали меҳнат мигрантлари бўлган хотин-қизлар ва эркакларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш тизимини ривожлантириш, уларнинг ҳуқуқий саводхонлигини юксалтириш кўзда тутилган¹²:

Бу борада 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегиясидаги 100 та мақсаддан 86-мақсади¹³ ва «Ўзбекистон – 2030» стратегиясидаги 100 та мақсаддан 95-мақсади¹⁴ айнан хавфсиз, тартибли ва қонуний меҳнат миграциясини таъминлаш ҳамда самарали миграция сиёсатини юритишга бағишланган бўлиб, уни амалга оширишга оид давлат дастурларида Миграция бўйича глобал шартноманинг 16 та – 1, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9, 10, 11, 12, 14, 15, 18, 19 ва 21-мақсадлари тўлиқ қамраб олинган¹⁵.

Юқоридаги таҳлиллардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикасида Миграция бўйича глобал шартнома мақсадларини амалга ошириш учун 2024-2030 йилларга мўлжалланган Миллий ҳаракатлар режасини (кейинги ўринларда – Миллий ҳаракатлар режаси) ишлаб чиқиш ва қабул қилиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз. Бу ҳужжат давлат органлари, ташкилотлари ва фуқаролик жамияти институтларининг сўй-ҳаракатларини уйғунлаштириш орқали Миграция бўйича глобал шартнома мақсадларига эришиш учун зарур шарт-шароитлар ва механизмларни яратишни таъминлаши лозим.

¹¹ Барқарор ривожланиш мақсадлари ва вазифалари: 1.3; 2.1; 3.8; 4.1-5; 5.2; 6.1-2; 8.7-8; 10.с, 10.2, 10.3, 10.7, 13.1-2; 16.2-3; 17.18. Батафсил қаранг: <https://migrationnetwork.un.org/fr/statements/unlocking-positive-impact-migration-sustainable-development-recover-better-faster-and>

¹² Рамочная программа сотрудничества ООН в Целях устойчивого развития на период 2021-2025 гг. для Узбекистана. Подписан: 24 сентября, 2020. – с.62. (<https://uzbekistan.un.org/ru/94416-рамочная-программа-сотрудничества-оон-в-целях-устойчивого-развития-на-2021-2025-годы-для>)

¹³ Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 10.02.2023 й., 06/23/21/0085-сон. <https://lex.uz/uz/docs/5841063> (мурожаат вақти 17.08.2024)

¹⁴ Указ Президента Республики Узбекистан О Стратегии «Узбекистан – 2030» // <https://lex.uz/pdfs/6600413> (мурожаат вақти 17.08.2024)

¹⁵ Добровольный национальный отчет о внедрении ГДМ (Глобальный договор о безопасной, упорядоченной и легальной миграции) в Узбекистане. https://www.un.org/sites/un2.un.org/files/imrf-uzbekistan_russian.pdf (мурожаат вақти 17.08.2025)

Миллий ҳаракатлар режаси Миграция бўйича глобал шартноманинг принциплари, Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ва инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган халқаро шартномалар ва бошқа қонун ҳужжатлари қоидаларига асосланиши керак. Бинобарин, Миллий ҳаракатлар режасини амалга ошириш Ўзбекистон Республикасида хавфсиз, тартибли ва қонуний миграция бўйича глобал шартнома мақсадларига эришиш чораларини кўриш имконини беради. Миллий ҳаракатлар режасини ишлаб чиқишга зарурат Ўзбекистон Республикасида миграция соҳасидаги жорий ҳолат билан тавсифланади. Ушбу ҳолат қуйидаги жиҳатлар билан алоҳида эътиборга моликдир.

Сўнгги йилларда мигрантларни ҳисобга олиш ва рўйхатдан ўтказиш, ижтимоий таъминот ва ҳуқуқий ҳимоя қилиш чоралари кўрилди. Ўзбекистон Миграция бўйича глобал шартномани миллий даражада жорий этиш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида минтақада биринчи бўлиб ахборот тақдим этди¹⁶.

Шу билан бирга, хориждаги Ўзбекистон фуқаролари кўпинча ижтимоий ҳимоя ва қонуний ҳуқуқлардан ташқарида фаолият юритиши, муҳофазасиз қолиши ва камситишларга дуч келиши, ноқонуний меҳнат миграцияси муаммоси ҳамон долзарблигини йўқотмаяпти.

Жаҳон банкининг прогнозларига кўра, 2050 йилга бориб, Шарқий Европа ва Марказий Осиёда 5,1 миллионгача экологик мигрантлар пайдо бўлиши мумкин. Улар орасида қарийб ярми — 2,4 миллион киши Марказий Осиё мамлакатларига тўғри келиши эҳтимоли бор. Фарғона водийси, Тошкент атрофи, Тожикистон жанубидаги пасттекисликлар ва Қозоғистон шимолидаги аҳоли гавжум шаҳарлар экологик мигрантлар оқимини қабул қилувчи ҳудудлардан бирига айланиши мумкин. Бу жараён асосан сув таъминоти ва қишлоқ хўжалиги ҳосилдорлиги билан боғлиқ. Қозоғистон жануби, Ўзбекистон ва Тожикистоннинг Фарғона водийсига яқин ҳудудлари, шунингдек, Бишкек атрофидаги минтақаларда сув таъминоти ва ҳосилдорликнинг камайиши сабабли Шарқий Туркманистон ва Амударё бўйидаги Ўзбекистон жануби экологик мигрантлар учун потенциал чиқиб кетиш ҳудудларига айланиши мумкин¹⁷.

Ташқи ва ички миграциянинг гендер жиҳатлари, шунингдек, унинг хотин-қизлар, эркаклар, уларнинг оилалари ва фарзандларига кўрсатаётган таъсири бўйича тадқиқотлар етарли даражада олиб борилмаяпти. Бу соҳада аҳоли учун мавжуд имкониятлар, хотин-қизлар ҳуқуқлари ҳамда меҳнат мигрантларини ҳимоя қилиш механизмлари тўғрисидаги тарғибот ва ахборот ишлари етарлича йўлга қўйилмаган¹⁸.

Бугунги кунда миграция жараёнларини мувофиқлаштириш ва тартибга солиш тизими самарали фаолият юритмаяпти. Мамлакатда миграция жараёнларини назорат қилиш учун институционал асослар мавжуд бўлса-да, миграция сиёсатини

¹⁶ Исоков, Л. (2024). Актуальные проблемы достижения целей Глобального договора о миграции в государственном управлении. in *Library*, 3(3), 145–152. // <https://inlibrary.uz/index.php/archive/article/view/31040> (мурожаат вақти 17.09.2025).

¹⁷ Clement, Viviane; Rigaud, Kanta Kumari; de Sherbinin, Alex; Jones, Bryan; Adamo, Susana; Schewe, Jacob; Sadiq, Nian; Shababat, Elham. 2021. Groundswell Part 2: Acting on Internal Climate Migration. World Bank, Washington, DC. <http://hdl.handle.net/10986/36248> (мурожаат вақти 17.09.2025).

¹⁸ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2021 йил 28 майдаги СҚ-297-IV-сонли Қарори билан тасдиқланган 2030 йилга қадар Ўзбекистон Республикасида гендер тенгликка эришиш стратегияси // <https://lex.uz/ru/docs/5466673> (мурожаат вақти 17.08.2025).

шакллантириш ва амалга ошириш, фаолиятни мувофиқлаштириш ва миграция жараёнларини барқарорлаштиришга масъул ягона тузилма йўқ¹⁹.

Мигрантлар маҳаллий фуқаролар билан бир хил мақомга эга эмас, уларнинг таълим олиш ҳуқуқида муайян қийинчиликларни келтириб чиқармоқда, хусусан, “Таълим тўғрисида”ги Қонунида уларни грант асосида ўқиш кафолатларининг аниқ механизмлари ноаниқлигича қолган²⁰. Шунингдек 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегиясидаги 100 та мақсад Миграция бўйича глобал шартноманинг 23 тадан фақатгина 16 та мақсадини қамраб олган бўлса-да, қолган 2, 13, 16, 17, 20, 22 ва 23-мақсадларига эришиш учун муайян режалар тузиш муҳим аҳамият касб этади²¹.

Бу омиллар замонавий миграция жараёнидаги салбий тенденцияларни янада кучайтириб, уларни чуқурлаштиради. Шу сабабли, ижтимоий-иқтисодий ривожланишга салбий таъсирни бартараф этиш ва Миграция бўйича глобал шартноманинг мақсадларига эришиш учун янги миллий стратегиялар, дастурлар, режалар, ёндашувлар ва механизмларни ишлаб чиқиш зарурати юзага келмоқда. Шу муносабат билан тайёрланаётган Миллий ҳаракатлар режасининг асосий вазифаси хавфсиз, қонуний ва тартибли миграцияни таъминлаш учун ҳуқуқий ва ташкилий шароитлар яратиш бўлиши керак. Унинг доирасида қуйидаги ишлар амалга оширилиши лозим:

- мигрантлар ҳуқуқларига оид норматив-ҳуқуқий базани шакллантириш ва ривожлантириш;
- мигрантлар ҳуқуқларини таъминлаш ва ҳимоя қилишнинг ташкилий-институционал механизмларини такомиллаштириш;
- фуқаролик жамияти институтларининг мигрантлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишдаги ролини кучайтириш;
- мигрантлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга оид ахборот-маърифий фаолиятни кенгайтириш;
- мигрантлар ҳуқуқлари бузилишини мунтазам мониторинг қилиш;
- мигрантлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича халқаро ҳамкорликни кучайтириш.

Юқоридагилардан келиб қичиб, Одам савдосига ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш миллий комиссияси томонидан Ўзбекистонда Миграция бўйича глобал шартнома мақсадларига эришиш бўйича мониторингни амалга ошириш юзасидан Ўзбекистоннинг Миллий ҳисоботини тайёрлаш ва уни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарига киритиб бориш, шунингдек мазкур мақсадларга эришиш бўйича йиллик статистик кўрсаткичлардан иборат бўлган тўпламларни ўзбек, рус ва инглиз тилларида нашр этиш ва уларни Интернет тармоғига жойлаштириш вазифаларни белгилаш мақсадга мувофиқ бўлади.

¹⁹ Барқарор ривожланиш мақсадлари ва вазифалари: 1.3; 2.1; 3.8; 4.1-5; 5.2; 6.1-2; 8.7-8; 10.с, 10.2, 10.3, 10.7, 13.1-2; 16.2-3; 17.18. Батафсил қаранг: <https://migrationnetwork.un.org/fr/statements/unlocking-positive-impact-migration-sustainable-development-recover-better-faster-and>

²⁰ International Organization for Migration (IOM), 2022. Migration Governance Indicators Profile 2022 – Republic of Uzbekistan. IOM, Geneva, 2022. – P.13.

²¹ Исоков, Л. (2024). Актуальные проблемы достижения целей Глобального договора о миграции в государственном управлении. in *Library*, 3(3), 145–152. извлечено от <https://inlibrary.uz/index.php/archive/article/view/31040> (муружаат вақти 17.08.2025).

Ўзбекистонда мигрантлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун фаол чоралар кўрилмоқда, аммо меъёрий-ҳуқуқий базада жиддий бўшлиқлар мавжуд бўлиб, уларни такомиллаштириш талаб этилади. Миграция қонунчилигини янада тизимлилаштириш, жумладан, миграция билан боғлиқ муносабатларни батафсилроқ даражада тартибга солиш имконини берувчи Миграция кодексини қабул қилиш зарур. Бундан ташқари, институционал механизмларни кучайтириш ва миграция сиёсати соҳасида идоралараро ҳамкорликни яхшилаш талаб этилади.

Тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, Ўзбекистонда Миграция бўйича глобал шартномани амалга ошириш йўлида сезиларли институционал ва норматив-ҳуқуқий ислохотлар амалга оширилган бўлса-да, миграция жараёнларини мувофиқлаштиришда ягона стратегик ёндашувнинг мавжуд эмаслиги айрим мақсадларга эришишни чекламоқда. Хусусан, гендер масалалари, экологик миграция, таълим ва ижтимоий ҳимоя соҳаларидаги бўшлиқлар комплекс чора-тадбирларни талаб этади. Шу нуқтаи назардан, 2024–2030 йилларга мўлжалланган Миллий ҳаракатлар режасини қабул қилиш Миграция бўйича глобал шартнома мақсадларини тўлиқ амалга ошириш, мигрантлар ҳуқуқларини таъминлаш ҳамда хавфсиз, тартибли ва қонуний миграция тизимини яратишнинг муҳим ҳуқуқий ва ташкилий кафолати бўлиб хизмат қилади.